

## АРАБ ТИЛИДА ОМОНИМИЯ ҲОДИСАСИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Сирожиддин Сотвондиев Махаммаддин ўғли

Ориентал университети

[sirojiddinsotvoldiyev454@gmail.com](mailto:sirojiddinsotvoldiyev454@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада араб тилида омонимия ҳодисасининг намоён бўлиши хусусиятлари, омонимия ва полисемия ўртасидаги боғлиқлик ва фарқли жиҳатлар, араб тилишуносларининг қарашлари таҳлил этилган.

**Калим сўзлар:** омонимия, полисемия, араб тилию омоним сўзлар, паронимлар, сўз варианtlари.

**Abstract.** This article analyzes the characteristics of the phenomenon of homonymy in Arabic, the relationship and differences between homonymy and polysemy, and the views of Arabic linguists.

**Keywords:** homonymy, polysemy, Arabic homonyms, paronyms, word variants.

### КИРИШ

Араб тилидаги манбаларни тадқиқ этаётган манбашунос омонимлар, паронимлар ва сўз варианtlарининг хусусиятларини билиши жуда муҳим. Шаклдош-талаффуздош сўзларни тадқиқ этиш, уни ўрганиш методлари юзасидан ҳозиргача умумий нуқтаи назар мавжуд эмас. Бундай сўзларни назарий ва амалий баҳолаш, аниқлаш ва тасниф қилишда бир неча гурӯхга бўлиниш ҳолатлари учрайди.

Араб тилидаги омонимия, паронимия ва вариандошлиқ ҳодисаларини умумий тилшунослик қоидалари асосида ўрганиш кўзланган натижага олиб келмаслиги мумкин. Чунки араб ёзувининг илк шаклланиш босқичида товушларни ёзувда ифодалашда ҳозиргидек диакратик белгилар ва қисқа унли ҳаракатларга эҳтиёж сезилмагани сўзларнинг шакл муносабатига кўра турлари жуда кенг қамровли бўлишига хизмат қилган. Қолаверса, маҳражлари (ҳосил бўлиш ўрни) бир-бирига яқин ҳарфларнинг мавжудлиги ҳам мазкур ҳодисалар араб тилида ўзига хос намоён бўлиши учун асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Айтиш мумкинки, омоним сўзлар араб тилининг бошқа жабҳалари каби жуда муфассал ва аниқлик билан ўрганилган. Бунинг асосий сабаби ўрта асрларда «‘ulūm<sup>u</sup> al-Qur’ān<sup>i</sup>» (علوم القرآن), кейинроқ эса «‘ulūm<sup>u</sup> al-ḥadīth<sup>i</sup>» (علوم الحديث) сингари кўп шўъбали фанларнинг ривожлангани ҳамда шаклдош, талаффуздош ва вариантдош сўзлар мавзуси мазкур фанларнинг бир шохобчаси бўлганидир. Биз қуида бунинг сабабларини ўрганамиз.

Ушбу мавзуни манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганишда А.Ҳабибуллаев<sup>1</sup>, Д.С.Лихачев<sup>2</sup>, З.Н.Алимджанова<sup>3</sup> муаллифлигидаги қўлланмалар, лексик-семантик жабҳасини ёритишида Абдулқоҳир Журжоний, Ҳасан Аббос, Маҳмуд Аҳмадларнинг илми балоғатга бағишлиланган рисолаларига мурожаат қилинади. Шунингдек, мусаллас туридаги луғатлар ва уларнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотларни излашда Ибн Халликон, Ёқут Ҳамавий, Ҳожи ал-Халифа, К.Брокелманн<sup>4</sup>, И.Крачковский<sup>5</sup> каби тазкиранависларнинг асарлари синчиклаб варакланди.

Шаклдош-талаффуздош сўзларнинг маъно қатламларини изоҳлаш учун Ферузободийнинг «Al-Qāmus<sup>u</sup>», Забидийнинг «Tāj<sup>u</sup> al-'arūs<sup>i</sup>», Мухтор Аҳмад Умарнинг «Al-maknaz<sup>u</sup> al-kabīr<sup>u</sup>», Ибн Манзурнинг «Lisān<sup>u</sup> al-'arab<sup>i</sup>» каби кўп жилдли луғатларга таянилди. Шунингдек, бу мавзу тадқиқ этилган рисолалар – Алий ибн Ҳасан Ҳиноийнинг «Al-munajjad», Муҳаммад ибн Аббос Язидийнинг «Ma-ttafaqa lafzah<sup>u</sup> wa-'khtalafa ma'nāh<sup>u</sup>», доктор Муҳаммад Шаҳиннинг «Al-mushtarak<sup>u</sup> al-lughawiy<sup>u</sup>: nażariyy<sup>an</sup> wa taṭbīq<sup>an</sup>» номли китоблари услубий асос сифатида танланди.

Бундан ташқари, араб тилидаги атамалар ва асарларнинг номлари халқаро стандартларга жавоб берувчи ALA-LC<sup>6</sup> талаблари асосида лотин графикаси ёрдамида транскрипция қилинди. Бу мутахассис бўлмаганлар учун ҳам қулайлик беради.

## НАТИЖАЛАР

Хулосалар етарли бўлса-да, ҳалигача омомним сўзлар бўйича умумий тўхтамга келингани йўқ. Хусусан, айрим тилшунослар паронимия ҳодисасини

<sup>1</sup> Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. –Тошкент: ТошДШИ. – 236 б.

<sup>2</sup> Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. М. - Л., 1964. - 364 с.

<sup>3</sup> Алимджанова З.Н. Арабская лексикология. –Ташкент: ТашГИВ. 1999. – 166 с.

<sup>4</sup> Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Weimar, 1898. Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Leiden, 1937. – 685 z.

<sup>5</sup> Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Т. 4. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1957. – 560 с.

<sup>6</sup> ALA-LC Romanization Tables: Transliteration Schemes for Non-Roman Scripts. Randal K. Berry (ed.). Library of Congress, 1997. (<http://lcweb.loc.gov/catdir/cpso/roman.html>).

омонимларнинг бир тури сифатида изоҳлайди, бошқа гурух уни омонимия билан бирга умуман инкор этади ва бу ҳодисани кўпмаънолилик (полисемия) билан тушунтиради. Биринчи гурух олимлари анъанавий тилшунослик тарафдорлари бўлсалар, иккинчи гурух вакиллари умумий тилшунослик қонуниятларига таянадилар.

Демак, айни вақтда омомним сўзлар таснифига доир илмий хулосаларни умумлаштириш ва ўзаро қарама-қарши фикрларни қиёсий ўрганиш муҳим вазифа бўлиб турибди. Бунинг учун омонимлар (**الجَنَاسُ**), паронимлар (**مُشَرِّكُ الْجَذْرُ**) ва сўз вариантларини (**تَشْوِيغٌ**) ўрганишда (**الْمُتَلَثِّثُ**) «учник» деб номланган, дунёнинг бошқа тиллари тарихида учрамайдиган изоҳли лугатларни ўрганиш зарур.

## **МУҲОКАМА**

Мусаллас туридаги асарларни ўрганиш орқали омоним сўзларга доир умумий хулосалар қабул қилиш мумкин. Мусаллас лугатлар икки хил услубда – манзуума ва мансура услубларида ёзилган. Жумладан, мусаллас туридаги биринчи асар сифатида эътироф этилувчи «Muthallath<sup>u</sup> Quṭrub<sup>a</sup>» манзумасининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган Р-3252 инвентар остидаги мужалладдан ўрин олган кўлёзма нусхаси, Ибн Сайид Баталявсийнинг «Al-muthallath<sup>u</sup>» изоҳли лугатининг Зоҳирийя кутубхонаси (Дамашқ) фондидаги кўлёзмасининг рақамли нусхаси ва матбуот нашри, Ибн Молик қаламига мансуб битта манзуума ва битта мансура лугатларнинг Азҳар ва Зоҳирийя кутубхоналарида мавжуд кўлёзмаларининг рақамли нусхалари этилади.

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, омоним сўзлар асосига қурилган мусаллас туридаги лугатларнинг манбаларини аниқлаш, уларни қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш, лугатлар таркибига киритилган омоним, пароним ва вариантдош сўзларнинг лексик-семантик хоссалари, матности вазифаларини таҳлил этиш муҳим вазифа экан. Ушбу мақсадга эришиш учун қуидаги вазифалар белгилаб олинди:

1. Араб тилшунослигига шаклдошлик-талаффуздошлик ҳодисасининг тарихий тадрижини таҳлил қилиш.
2. Мусаллас атамасининг генезиси, тилшунослик терминологиясига кириб келиши, мусаллас турида лугат тузиш анъанасининг шаклланиши каби масалаларни тадқиқ этиш.

3. Мусаллас туридаги биринчи лугат муаллифи борасида ҳозиргача давом этиб келаётган тортишувни ўрганиш ва «Muthallath<sup>u</sup> Quṭrub<sup>a</sup>» манзумасининг манбаларини аниқлаш.

4. Ибн Саййид Баталявсийнинг мусаллас типидаги луғатининг илмий-танқидий матнини тузиш принципларини ишлаб чиқиши.

5. Ибн Моликнинг назмий ва насрый мусаллас луғатларининг ўзаро умумий ва фарқли жиҳатларини аниқлаш.

Ҳозирги кунда лингвистиканинг жадал суръатларда тараққий этаётганини ҳисобга олсан, унинг тадқиқот обьекти саналган сўз ва унинг маъно қатламларига бўлган илмий муносабат ҳам ўзгариб бораёттир. Матн ва унинг таркибий қисми бўлган сўз, сўз бирикмаси ва гап бирликларининг тагмаъноларини тадқиқ этиш етакчи жиҳатга айланмокда. Бу жиҳат, айниқса, омоним сўзларни нутқда қўллаш билан боғлиқ ҳолатларда аниқ намоён бўлади. Абдулқоҳир Журжоний шу жиҳатга эътибор қаратиб: «Омонимларни нутқда қўллаш сухбатдошни чалғитишига, гўё уни алдаётгандек ёки ниманидир яшираётгандек тутишга, нутқни икки маъноли бўлишига хизмат қилади»<sup>1</sup>, деб ёзган эди.

Демак, шаклдош-талаффуздош сўзлар нафақат тилшунослик соҳасида, балки бадиий адабиёт, балоғат, психолингвистика соҳаларида ҳам муҳим ўрин тутади.

Қолаверса, омонимлар мавзуси адабиётшунослар учун муҳим бўлиб, бадиий адабиётда, хусусан шеъриятда тажнис санъатининг юзага келишида бу ҳодисанинг алоҳида ўрни бор. Адабиётшунослик соҳасига ҳам тадқиқот натижаларини татбиқ қилиш имкониятлари мавжуд. Энг асосийси, тадқиқот натижалари асосида матншунос-манбашунослар қадимий қўлёзмаларни ўрганишда шакли бир хил, аммо турлича талаффуз қилинадиган сўзлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишлари мумкин.

<sup>1</sup> 'Abd<sup>u</sup> al-Qāhir<sup>i</sup> al-Jurjāniyy<sup>u</sup>. 'Asrār<sup>u</sup> al-balāghat<sup>i</sup>. –Bayrūt: Dār<sup>u</sup> al-kitāb<sup>i</sup>, 2001. –§.15.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Sirojiddin Sotvoldiev. (2023). DICTIONARIES OF "MUSALLAS" PLACE IN ARABIC LEXICOGRAPHY. Innovative Development in Educational Activities, 2(11), 356–365. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8045500>
2. Сотвоздиев, С. М. ўғли . (2023). АРАБ ЛЕКСИКОГРАФИЯСИДА МАНЗУМА МУСАЛЛАСЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ. Innovative development in educational activities, 2(23), 474–478. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10393710>
3. Sirojiddin Sotvoldiyev Maxammaddin o‘g‘li. (2023). IBN MOLIK HAYOTI VA UNING ARAB TILSHUNOSLIGIDA TUTGAN O‘RNI. Innovative development in educational activities, 2(11), 444–453. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8045672>
4. Sirojiddin Sotvoldiyev. (2023, июнь 26). ARAB LEKSIKOGRAFIYASI TARIXI VA IBN MOLIK MUSALLAS LUG‘ATLARINING TUZILISH PRINSIPLARI. THE ROLE OF SCIENCE AND INNOVATION IN THE MODERN WORLD, London, United Kingdom. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8080680>
5. Sotvoldiev, S. (2023). PRINCIPLES OF COMPOSITION OF SCIENTIFIC-CRITICAL TEXT OF IBN SAYYID’S DICTIONARY" AL-MUSALLAS". THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY, 1(7), 62-66. <https://interonconf.org/index.php/ind/article/view/3009>
6. Sotvoldiev, S. (2022). PRINCIPLES OF COMPOSITION OF SCIENTIFIC-CRITICAL TEXT OF IBN SAYYID’S DICTIONARY" AL-MUSALLAS". Thematics Journal of History, 8(1). <https://thematicsjournals.in/index.php/tjh/article/view/1171>